БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 7 июль Шанба
№ 127 (13.563).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди тўғрисида

АХБОРОТ

1990 йил 6 июль куни Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки ялпи мажлис Грузия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Грузия ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Г. Г. Гумбаридзе раислигида ўтди.

Съездда муҳокама қилинаётган масалалар юзасидан музокаралар давом эттирилди. Мажлис қатнашчилари ҳузурида Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби П. К. Лучинский, Смоленск вилоятидан келган ёзувчи Е. В. Максимов, Донецк вилоятидаги «Азовмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг электр пайвандчиси В. А. Гайворонский, Латвия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби А. П. Рубикс, Абакан Давлат педагогика институти кафедрасининг мудири (Хакассия автоном вилояти) М. Т. Кабелькова, ёзувчи, СССР Олий Совети Президиумининг аъзоси (Қалмоқ АССР) Д. Н. Кугильтинов, Қирғизистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Қирғизистон ССР Олий Советининг Раиси А. М. Масалиев, Олтой ўлкасидаги «Боровой» совхозининг ижарачи бузоқ боқувчиси Л. Д. Заковряшина, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Тожикистон ССР Олий Советининг Раиси Қ. Маҳкамов, РСФСР театр арбоблари уюшмаси бошқарувининг раиси, Евг. Вахтангов номли Давлат академик театрининг бадиий раҳбари (Москва шаҳри) М. А. Ульянов, Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби В. М. Мовсисян, РСФСР Олий Советининг Раиси Б. Н. Ельцин, Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Туркманистон ССР Олий Советининг Раиси С. А. Ниёзов, Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги номли Ғарбий Сибирь металлургия комбинатининг бош директори (Кемерова вилояти) Б. А. Кустов, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи котиби В. М. Зюкин, КПСС Иркутск вилоят комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Советининг Раиси В. И. Потапов, КПССда марксистик платформа вакили, Ломоносов номли Москва Давлат университети иқтисод факультетининг доценти (Москва шаҳри) А. В. Бузгалин сўзга чиқдилар.

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎРГАНАМИЗ

Андижонда ҳунар-техника билим юртларининг рус тилида ўқийдиган талабалари ўртасида ўзбек тилидан жумҳурият мусобақаси бўлиб ўтди. Уни ўтказишда Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги ташаббус кўрсатди.

Олимпиадада жумҳурият барча вилоятларининг ва Тошкент шаҳрининг командалари иштирок этди. Болалар ўзбек тилида деворий рўзномалар чиқаришди, интермедиялар кўрсатишди, шеър ўқишда, суҳбат олиб боришда беллашишди.

Тошкент шаҳри командаси мусобақа ғолиби деб топилди, иккинчи ўринни андижонликлар, учинчи ўринни Тошкент вилоятидан келган ўқувчилар эгаллашди. Шахсий ҳисобда эса фарғоналик Юра Переверзнев, бухоролик Альберт Икромов ва Андижон вилоятидан Татьяна Ткаченколар пешқадамлик қилишди.

— Мен украинман, — дейди Т. Ткаченко. — Андижонга 1985 йилда келганман. Тилни дастлаб қўшниларимдан ўрганганман, энди эса ўзим электрон машиналар оператори касбини ўрганаётган билим юртида ўрганаяпман. Ўзбек тилини билиш менга ўлка тарихини, унинг маданияти ва анъаналарини яхшироқ билиб олишда ёрдам бераяпти.

(ЎзТАГ).



Қиладиган ишинг тайин бўлса. Маошингдан нолимасанг. Хизматингга кишилар фақат раҳмат десалар. Ҳамкасблар ҳурмат қилишса. Ишхонага мамнун келиб, худди шундай кайфият билан уйга қайтсанг. Хонадонингда, қолаверса, бутун дунёда тинчлик, тотувлик бўлса. Бундан ортиқ яна нима керак инсонга!

Лекин сиз суратда кўриб турган қиз — Адолатнинг қалбидаги орзулари ҳали бир қатим дурдай. У эртага бугунгидан ҳам яхшироқ бўлади, деган ўй билан яшайди. Шунга ҳаракат қилади ўзи ҳам. Адолат Умарова ишлайдиган Москва ноҳиясидаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати трикотаж маҳсулотлари тўқув цехида йилига 170 минг сўмлик устки кийимлар тўқиб чиқарилади. Бу мингларда Адолатнинг ҳиссаси ҳам кам эмас.

Аъзамжон МИРЗАЖОН сурати.

Андижон вилояти.

ҚЎМИТА ТУЗИЛДИ

1990 йил 3 июлда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган ёзувчилар, журналистлар, олимлар, жамоат ташкилотлари ва уюшмалари вакилларининг йиғилишида Ўшга ёрдам Ўзбекистон халқ қўмитаси тузилиб, унинг таркиби тасдиқланди. Шоир Муҳаммад Али қўмита раиси этиб сайланди. Қўмитанинг вазифаси Қирғизистон жумҳуриятининг Ўш вилоятида, айниқса Ўзган ноҳиясида юз берган фожиа оқибатларини тезроқ тугатиш чораларини кўришда расмий ташкилотларга мададкор бўлишдан, жумҳуриятимиз аҳолисини амалга оширилаётган ишлардан имкони борича тўлиқ хабардор қилиб туришдан иборат, деб белгиланди.

Андижон вилоят ижроия қўмитаси ёрдами билан Ўшга ёрдам Ўзбекистон халқ қўмитасига Андижон уй-жой-ижтимоий хазинасида 001700816 рақамли ҳисоб очилди.

Ўш вилоятида юз берган даҳшатли биродаркушликдан қалби ларзага келган барча ҳамюртларимизни бу ишга ҳоли қудрат ҳисса қўшишга чақирамиз.

Х. ХОЛМАТОВА.

Нима қилмоқ керак?

«Иқтисодиёт ҳамиша сиёсатдан олдинда юради». Мен бу фикрни қаерда ўқиганим ёки эшитганимни эслай олмасам-да, у хотирамда муҳрланиб қолган. Юқоридаги фикрнинг қанчалик тўғри, ёки нотўғрилигини эса бизнинг бугунги кунимизга қараб баҳолаш мумкин. Ахир кеча эмасмиди, «инсонпарвар сиёсий тузумимиз ҳақида бонг уриб юрганимиз. Бугун англаб етаямизки сиёсий тузум ҳар қанча «инсонпарвар» бўлмасин, у инсонни иқтисодий жиҳатдан тўлиқ таъминлай олмас экан, унинг инқирози муқаррар. Биз ўзимизни хатомизни англаб етдик, шекилли, иқтисодиётимизни юксалтиришни, иқтисодий эркинликни орзу қила бошладик ва бу ҳаракатни қайта қуриш, деб номладик. Хўш у нималар берди бизга? Аввалига ҳаммамизни онгимизда мисли кўрилмаган тўнтариш қилиб ташлади, нима деяётганимизни билмасакда бор овозимиз билан бақира бошладик. Кейинги аралаш-қуралаш овозлар бир пардага туша бошлади. Ўша пардадан маълум бўлдики, биз «Ҳокимият халқники», деган ақидани унутиб қўйган эканмиз. Ҳокимиятни халқ ихтиёрига олиб беришга ҳаракат қилдик. Ана шу жараёнда яна бир нарса маълум бўлиб қолди. Бизнинг тузумимиз барпо этилиши даврида ва барпо этилгандан кейин бошидан кечирган оғир кунларида ҳамиша яловбардор бўлган ёшлар, кейинчалик Ленинчи Коммунистик Ёшлар Уюшмаси номини олган комсомолларимиз ва уларнинг ташкилотлари қарам ташкилот бўлиб қолибди. Қийин кунларда ташаббускорлик, дадиллик, жасорат намуналарини кўрсата олган ташкилот, тинчлик даврида, ўзининг лоқайдлик, ижрочилик, бўйсунувчанлик каби томонларини кўрсата бошлабди. Бунинг натижаси ўлароқ, унинг эл ичидаги мавқеига путур етди. Буни билиб қолган ёшларимиз ҳам ўзлари учун сиёсий эркинлик, иқтисодий мустақиллик талаб қила бошладилар. Ниятларига ҳаминқадар бўлса-да, эришмоқдалар ҳам. Бунинг ҳам яхши, ҳам ёмон томонлари бор экан-ки, уни ўз вақтида таҳлил тарозусида тортиб кўриш фойдадан холи бўлмас, деб ўйлайман.

Келинг, аввал уни яхши томонини қараб кўрайлик. Яхши томони шу бўлди-ки, ёшлар ташкилотлари, ўз аъзоларига ҳар томонлама, юқорининг рухсатисиз ёрдам бера бошлади. Натижада аъзоларда комсомолга нисбатан бўлган ишонч руҳи уйғонмоқда. Улар ташкилотларининг (комсомол қўмиталарини), ташкилотлари уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, моддий ва маънавий манфаатлари учун курашаяптилар. Бунда Наманган шаҳар комсомол қўмитасининг ишлари (жумҳуриятимизда илк маротаба ташкил этилган ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи «Назорат қўмиталари» мисолида) ибрат олса арзигулик.

Ёшлар ташкилотлари ҳадеб мустақиллик талаб қилаверишидан жаҳли чиққаниданми ёки бошқа сабаб, «юқори» уларга «ўзинг учун ўл етим» қабилида муомала қила бошлади. Бошланғич ташкилотларга ҳам бадални тўлигича олиб қолиш ҳуқуқи берилди ва шу билан бирга энди «ўзингни ўзинг боқ», деб қўйилди. Бу марказлашган жойлар (шаҳар, вилоят марказлари)даги комсомол қўмиталарига қўл келган бўлса-да, чет ноҳиялардаги, кичик комсомол қўмиталари учун жуда оғир кечмоқда. Чунки марказлардаги қўмиталар ўзларини ҳар хил ширкатлар, ёшлар марказлари, видеоклублар, хўжалик ҳисобидаги корхоналар ҳисобидан иқтисодий таъминламоқда. Анча-мунча фойда кўриб ўз эркинликларини мустаҳкамламоқда. Бошланғич ташкилотлар тарқоқ жойлашган, ўзининг маблағ билан таъминловчи корхоналар қуриш имкониятидан маҳрум бўлган чет ноҳиялардаги қўмиталар-чи?

Яқинда Ульянов ноҳиясининг комсомол қўмитаси саркотиби Баҳром Фозилов билан шу борада суҳбатлашиб қолдик.

— Нимасини айтасиз, — дейди саркотиб. — Шу кунгача комсомол сиёсий ташкилот, фақат ёшларнинг онгини ошириш учун хизмат қилиши керак, деган ақида бор эди. Энди бўлса ҳар қандай сиёсий ташкилот ўзининг иқтисодий базасига эга бўлмоғи лозим дейишаяпти. Бу тўғри, албатта. Ҳар қандай ташкилот учун ҳам мустаҳкам иқтисодий база зарур. Лекин бу ҳаммага бир хил талаб билан қараш керак дегани эмаску?! Мана биз, нима қилишни билмай бошимиз қотиб ётибди. Хўжаликларимиз бир-биридан бир неча ўн чақиримлаб узоқ жойлашган. Йирик саноат корхоналари йўқ. Агар бирор ширкат ёки марказ ташкил қиладиган бўлсак фойда ўрнига зарар келтириши аниқ. Бир марта видеоклуб очмоқчи бўлдик. Қариялар норози бўлишди. Тўғри-да, шундай ҳам тарбия масаласи чатоқ бўлиб турибди. 13 минг 294 аъзомиз бор. Ойига ўртача ўн минга яқин бадал йиғилади. Йиғилган бадални етти мингини ходимларга ойлик маош сифатида берамиз. Қолган уч минг нима ҳам бўларди. Бирорта каттароқ тадбир ўтказишнинг иложи йўқ. Ҳозирча тушадиган бадалдан ташқари фақат бир ердан фойда оламиз, у ҳам бўлса 14-давлат хўжалигидаги Насрулла Жуманов номли мактабда даста ташкил этилган. Уларни барча керакли ускуналар билан таъминлаганмиз. Бошқа мактабларга, хўжаликларга чиқиб концертлар қўйиб беришади. Ҳар ҳолда ҳар бир чиқишларидан уч юз-тўрт юз фойда келтиришади...,

Саркотиб ходимларни қисқартириш йўли билан ҳам анча маблағ тежаб қолиш мумкинлиги ва улар бу йўлда ҳаракат қилаётганлари ҳақида гапирди. Хўп, қисқартириш билан қанча тежаш мумкин? Минг сўмми, икки мингми? Бу нима бўлади? Балки бошқа бирор йўлини излаб кўриш керакдир?!..

Ульянов ноҳия комсомол қўмитаси котиби Қаюмжон Сиддиқов билан суҳбатимиз ҳам шу хусусда бўлди. Унинг фикрларида дадиллик билан бўйсунувчанлик, талабчанлик билан нолиш оҳанглари қоришиб кетгандек туюлди назаримда. Қаюмжоннинг бир сўзи мени ҳайратда қолдирди. Ноҳияда беш йигит машъум афғон урушининг қурбони бўлган экан. Уларнинг хотирасини абадийлаштиришга ҳаракат қилинаяпти. Шаҳбалиқдан тушган ўн беш минг сўмга уларга ноҳия марказида ёдгорлик ўрнатилаяпти. Уларнинг шарафларига ноҳияда оммавий спорт байрамлари ўтказилган. Баъзи бирларининг номлари мактаб дружиналарига қўйилган. Булар ҳаммаси яхши. Ахир улар бизни эсламасак ким эслайди? Мени ҳайратлантирган нарса шу бўлдики, ноҳия комсомол қўмитасидагилар байналмилал жангчиларидан бирининг номига Ленин мукофотига тавсия этиш билан чиқишган экан. Ноҳия раҳбарлари рухсат бермабди. Фақат мана шу кишиларнинггина номлари абадийлаштирилармиш.

Мени кечирсинлар-у, агар ноҳия раҳбарларидан биронтасининг фарзанди афғон урушида ҳалок бўлганида, улар шу қарорни рўкач қилармидилар? Йўқ. Чунки у бемаъни урушнинг жароҳати қанчалик аччиқ бўлишини ўз танасида синаб кўрган бўларди. Ахир ўша ҳалок бўлган беш йигитга яшаш учун имкон берилганида балки, машҳур киши бўлиб етишишлари мумкин эди-ку?! Майли, машҳур бўлмасалар-да, ота-оналарнинг қучоғини тўлдириб юрган бўлардилар. Биз шунга ҳам қўйиб бермадик-ку? Ахир уларнинг гуноҳи нима эди? Нега улар йўқу, биз борми? Биз умр уларнинг олдидаги гуноҳкорлик, қарздорлик ҳиссини унутмаслигимиз керак ахир, ўртоқ раҳбарлар!..

Ноҳияда мен ҳамсуҳбат бўлган кишиларнинг яна бири, давлат хўжалиги комсомол қўмитаси котиби, комсомол съезди делегати Сайдорин Сиддиқов бўлди. Очиғи, мен Сайдориндан дадил фикрлар кутган эдим. Уни бекорга съезд делегати қилиб сайламаган бўлса керак, деган ўйга боргандим. Бундай бўлмабди. У билан бўлган суҳбатимиздан бор-йўқ олганим: давлат хўжалигида 786 комсомол аъзоси бор. Улардан минг сўмга яқин бадал йиғилади. Съезд ҳақидаги фикрларидан, унга фақат бошланғич ташкилотларга ҳар томонлама бериладиган мустақиллик маъқул келибди. Тўғри, бу бошқаларга ҳам маъқул келади. Лекин асосийси ўша мустақиллик нима беради? Қандай қилсак яхшироқ бўлади? Афсуски, бу саволга Сайдориндан жўяли жавоб ололмадим. Яна у ноҳияда учта бошланғич ташкилотга ўз ҳисоб дафтарчаларига эга бўлиш ҳуқуқи берилгани ҳақида (ана шу учтанинг бири Сайдорин Сиддиқов етакчилик қилаётган ташкилот), улар ўзини оқлай олмагани ҳақида гапирди. Лекин оқлаш учун нима қилиш керак эди, деган саволга жавобсиз қолди...

Азиз муштарий, сиз қандай ўйлайсиз. Комсомолни сиёсий эркин, иқтисодий бақувват ташкилотга айлантирмоқ учун нима қилиш керак?

Ислом ҲАМРО,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Институт қандай бўлиши лозим

Тошкент Давлат маданият институтининг талабалари Фарғона водийси, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бўйлаб сафардан қайтиб келишди. Улар сафар чоғида халқимизнинг жуда бой халқ оғзаки ижодини ўрганишга ҳаракат қилишди. Талабалар дарсликларда ўқиган, ўқитувчиларининг маърузаларидан билиб олган кўп нарсаларни — қадимий урф-одатлар ва маросимларни ўз кўзлари билан кўришга, ушбу ўлкаларда яшаётган кишиларнинг турмуш тарзи, анъаналари билан танишишга муваффақ бўлдилар.

Бундай сафарлар институт муаллимлари ишлаб чиққан янги ўқув программасининг бир қисмига айланди. Ушбу дастур олий ўқув юрти иш усуллари ва шаклларини анча ўзгартириб юборди. Масалан, халқ мусиқаси кафедрасида анъанавий мусиқа маданияти бўлими очилди. Бўлимда талабалар Шарқ мусиқаси тарихи ва назариясини чуқур ўрганадилар. Институт кино ва видео тарғибот соҳасида ҳам мутахассислар тайёрлай бошлади. Бу ерда давлат тили тўғрисида Қонун қабул қилинишига қадар талабаларга тил ўргатишни янада яхшилаш ва унинг кўламини кенгайтириш режалари ишлаб чиқилганди.

Янги дастурда бутун ўқув жараёни ва илмий ишларни қайта қуриш, янги бўлимлар очиш, эски бўлимларни қайта йўналтириш назарда тутилади.

— Институтимиз ҳамма вақт қандайдир иккинчи даражали ўқув муассасаси деб ҳисоблаб келинди, — дейди маданий-маърифий ишлар факультетининг декани Д. Расултоев. — Тан олиш керакки, бу фикр кўп жиҳатдан адолатлидир. Ҳақиқатан ҳам олий ўқув юртимизни тугатаётган ёшларнинг тайёргарлик даражаси баъзан кўнгилдагидек эмас, у янада яхшироқ бўлиши зарур. Лекин бунинг ғоят жиддий сабаблари ҳам бор. Ҳозир мавжуд бўлган маданий-маърифий ишлар системасининг ўзи ёшини яшаб бўлди.

Институтда халқ ижодиётини ўрганиш устун йўналиш сифатида танлаб олинди. Илмий-методик лаборатория таълим беришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш юзасидан иш олиб бормоқда.

— Маданий-маърифий муассасалар фаолиятида ҳалигача кечалар, митинглар, рапорт бериш кечалари, ишлаб чиқариш илғорларини шарафлаш сингари «тадбирлар» амал қилиб келмоқда, — дейди лаборатория раҳбари В. Мосина. — Яъни клуб ишлари ишлаб чиқариш фаолиятининг қандайдир бир давомига айланиб қолган. Одамга эса оддий дам олиш, ҳордиқ чиқариш кераклигини унутиб юбордилар. Агар ишни илмий ташкил этиш тушунчаси бўлса, унда дам олишни илмий ташкил этиш тушунчаси ҳам бўлиши керак.

Ҳозир, ҳақиқатан ҳам, институтдаги мавжуд шароитда ишларни тубдан ўзгартириш мумкинлигини тасаввур қилиш қийин. Беш мингдан ортиқ талаба ўқийдиган олий ўқув юртида ўзининг ўқув театри йўқ, кутубхона кичик бир бинода тиқилинч ишламоқда, ётоқхонага муҳтож талабаларнинг учдан бир қисмигина жой олиши мумкин. Бу кутубхона ишлари мутахассисларини, халқ театрлари режиссёрлари ҳамда балетмейстерларини тайёрлайдиган Ўрта Осиёдаги ягона институтда рўй бермоқда.

Тўкилай-тўкилай деб турган деворлар, синган-йиртиқ мебель, файзсиз мунғайган хоналар ва йўқчилик талабаларга жуда таъсир қилмоқда. Бундай шароитда ўқиш кўпинча азобга айланади, ўзингни ҳеч кимга керак бўлмаган дарсларда ўтиргандек ҳис қиласан. Институт биносининг ўзи казармани эслатадиган типовой мактаб бўлиб, бундай бинолар Тошкентда кўплаб қурилган. Бас, шундай экан, жиддий машғулотлар ўтказиш мумкинми? Институт «муваққат» бинода иш бошлаганидан бери орадан ўн олти йил ўтди, лекин кўп нарса ўзгармади. Тўғри, қандайдир ишлар қилинди — маданий-маърифий ишлар факультетининг биноси, янги ошхона қурилди. Бироқ мусиқачиларнинг машғулотлари талабалар ётоқхонаси жойлашган бинода, режиссёр бўлимининг машғулотлари эса зах ертўлада ўтказилмоқда. Ўқитиш ишларини сифат жиҳатдан ўзгартириш хусусида жиддий гапириш учун, янги, олий ўқув юртининг ўзига хос хусусиятларига мослаштирилган бино керак.

Маданият институти истиқболда қандай бўлиши керак — буни вақт кўрсатади. Лекин, янги бино ва ускуналардан ташқари, уларнинг ўз фаолиятига янги муносабат кераклиги кўриниб қолди. Бусиз институт ҳеч кимга керак бўлмай қолади.

П. БУРОВ. (ЎзТАГ).

Фикрлар чорраҳаси

ЯХШИЯМКИ КОМСОМОЛ ХОДИМИ ЭМАСМАН

«Агар мен комсомол ходими бўлсам» деган ойнасўз гапнинг очиғи юрагимнинг оғриқ жойига тегиб кетди. Гарчи комсомол ходими бўлмасам-да, комсомолнинг шу кунги обрўси ва келажаги ҳақида ўйлаб, кечалар ухлолмай чиқаман. Кейинги пайтларда жамоа, давлат хўжаликларида меҳнат қилаётган айрим комсомол котибларига нисбатан ўша жойдаги оддий кассирларнинг ҳурмати баланд бўлиб боряпти. Чунки, комсомол котиби ҳар йили уч марта, ҳатто тўрт марта ўтказиладиган «беғараз» шанбаликларга бош-қош бўлишдан ташқари меҳр-шафқат, байналмилал жангчилар жамғармаси, «Билим» жамиятига, ер силкинишидан талофат кўрган жумҳуриятларга ёрдам бериш учун ташкил этилган жамғармага, кўнгилли ўт ўчириш жамиятига, яна қандайдир керак-нокерак жамғармаларга пул йиғавериб безор қилади.

Ёз кунларининг қирқ даража иссиғида кетмон чопиб, ҳолдан тойган колхозчи, комсомол аъзоси ўша котибни қандай қилиб ҳурмат қилади? Ахир, у бир ой қора терга ботиб ишлаб олган 80 сўм маошига чанг-тупроқ сочини ювиш учун асли нархи 85 тийин бўлган «Лада» шампунини чайқов бозоридан уч сўмга харид қилсинми, ёки «бер, бер» касалига чалинган котибнинг «жамғарма»ларига хайрия қилсинми?

Агар комсомол ходими бўлганимда ҳали жамоа аъзосининг, ишчининг маоши ошмай туриб, ўзимнинг маошим ошгани ҳақидаги хушхабарни эшитсам, жимгина, мийиғимда кулиб қўймасдим. «Нега бундай бўлади!» — дея исён кўтарардим. Бу ўринда эътироз бўлиши мумкин: «пахтанинг ҳам харид нархи ошдику». Йўқ, менинг англашимча, ҳали пахтанинг харид нархи ошгани йўқ. Фақатгина 1989 йилда териб олган пахтамизга қўшимча ҳақ тўланди, холос.

Кўпгина ноҳиялардаги болалар касалхоналари қишда яхши исимайди, бир қанча шифохоналар мослаштирилган биноларга жойлаштирилгани туфайли канализациялари ё умуман йўқ, ёки ёмон ишлайди. Дорихоналарда муддати ўтган дори-дармонлар тиқилиб ётибди, кераклиси топилмайди. Ана шу муаммоларни кўра туриб, ҳал этишга қурбим етмаса, мен қандай қилиб комсомол ходими бўламан? Кўкрагимда жойлаб юрган муштдеккина юрагим қийма-қийма бўлиб кетмайдими?

Кун сайин ўткирлашиб бораётган ишсизлик муаммосини бирорта жойда кўндаланг қўёлмасам, барча корхоналар хўжалик ҳисобига ўтаётгани сабабли раҳбарлар менга қулоқ солишни исташмаса, ишсизларни фақатгина Россия ва шунга ўхшаш бошқа совуқ вилоят ва шаҳарларга ишлаш учун юборсам (чунки ўзимизда ҳозирча иш йўқ). Ўзбекистондан бошқа жойга чиқмаган ўсмирлар совуқ ўлкаларда оёқ-қўлларини совуққа олдириб, бод касалига чалиниб қайтсалару, улар даволангани шифохоналарда жой йўқ. Бори ҳам танишбилиш бўлиб кетганини била туриб, билмасликка олсам, қандай қилиб комсомол ходими бўламан, юмшоққина курсида ўтира оламан?

Комсомол-ёшлар дардларини менга эмас, редакция ходимларига бориб «ёрсалар» (чунки вақтим йўқ иш шкафимда даста-даста керак-нокерак қоғозларим тиқилиб ётибди. Мен уларнинг ҳаммасини тўлдиришим шарт. Бонси — ҳали ҳам ўша қоғозларнинг тақдири билан «юқори» қизиқади) қандай қилиб яхши комсомол ходими бўла оламан?

Умида ЙЎЛЧИЕВА,
Марҳамат ноҳияси.

БЕНАСИБЛИК

Ҳар гал қишлоққа борсам, Норқобул аканинг сой бўйидаги чорбоғига йўлим тушади. Унинг сархил меваларга кон маконида ўзимни бахтиёр сезаман. Ишкомлардаги тилни ёрар узумларни татиган сари саховатли диёримиз заҳматкашларининг меҳнатига тан бераман. Ҳа, она заминнинг муруввати қойил қолмасдан илож йўқ!

Нимасини айтай, қишлоқ аҳлини бир қарич бўлса ҳам томорқасиз тасаввур қилиш амри маҳол. Унинг бор-будидан маҳрум этиш мумкин-у, аммо бутун ҳаёт-мамотига айланган еридан айириш, қўлидаги кетмонни тортиб олиш асло мумкин эмас. Борингки, деҳқонни бесабаб сўкиш, ноҳақ ҳақоратлаш ҳам мумкиндир. Кўз тиккан чорбоғни тортиб олишни мақсад қилиб қўйишдан кўра машаққат йўқ. Зеро, мозийда унинг шу бир қарич ерига кўз олайтирганлар кўп бўлган. Ётадиган жойигача пахта эктирган ношуд раҳбарларнинг эса саноғи йўқ. Инсондан ўлароқ ундан олинадиган ҳосилни ўйлаган бошлиқлар узоқ вақт байроқни қўлдан беришмади. Гоҳида бутун умрини далада ўтказганларнинг ҳаётини кузатсанг, пахтанинг оқлигига, негадир ишонгинг келмай қолади. Уни ўзбек халқининг ифтихори дегувчиларнинг бирор марта бели қайишмаганига яна бир бор амин бўласан. Шунда уни миллий кулфатимиз бўлиб қолди, деган сўзларга ишонгинг келади.

Бундан 3-4 йил муқаддам Норқобул аканинг чорбоғини ҳе йўқ, бе йўқ олиб қўйишди. Нима, унга никоҳлаб бериб қўйишганми, у жанжал кўтариб, юқори раҳбарларга учрашса? Бор-йўғи жамоа хўжалиги раисининг бир имоси билан хўжалик ери ҳисобига киритиб юборилди. Қолаверса, энди у фақат Норқобул аканики эмас, балки бутун жамоаники! Тушунарлидир?!

— Ўзимиз қараймиз, бу ёғи билан ишингиз бўлмасин, — деди янги бошлиқ Норқобул аканинг қадоқ қўлларига ижирғаниб боқиб.

Ўша куни идорадан унинг тарвузи қўлтиғидан тушиб келди-ю, эртасига кетмонни елкасига ташлаб далага отланди. Нима, унга чорбоғ ота-онасидан қолган меросмиди, талашиб тортишади? Хўжаликники эди, қайтариб олди! Олам гулистон! Аксига олиб, ҳар тонгда ўзининг кўп йиллик меҳнати синггын чорбоғни кесиб ўтади. Бошқа йўл танлай деса, анча олис. Иложсиз. Истайдими, йўқми, шу. Дастлабки кунларда ҳарқалай роҳат билан йўл юрарди. Кейинги вақтда негадир бошини қуйи соладиган бўлиб қолди. Атрофга қиё боқа олмайди. Нигоҳи тушди дегунча, юраги увишади. Дов-дарахтларнинг мунгли боқишидан у ўзини қўйгани жой топа олмайди. Ундан олишгандан бери бу ерга бирон кимса қадам босгани йўқ. Қайси куни тепадан сув очиб юборишди. Ҳойнаҳой шу ерда боғ борлиги эсларига тушиб қолди, шекилли. Ҳамма ёқни обиҳаёт босди-ю, аммо бундан ҳеч ким наф кўрмади. Ўша йили ҳаммаси қуриб битишига оз қолди. Кейинчалик раис ўзгариб, яна чорбоғ Норқобул акага ўтди. Шунда у ўйланиб қолди: бу ёғи энди нима бўлар экан? Бошлиқ ўзгарса, чорбоғ қўлдан-қўлга ўтаверадими?

Яна меҳр билан ишга киришди. Ҳақиқий деҳқон кейинги савдоларни ўйлаб ўтирмайди. Дов-дарахт кўкарсин, мева берсин, ундан жумлаи мўмин баҳраманд бўлсин, дейди. Уни қаранг, меҳнати зое кетмади. Бирам ҳосил бердики, териб улгура олишмайди. Хўжалик билан шартнома ҳам тузганди. Ҳамма умид ўшанда. Афсуски, шартнома қоғозда қолиб кетди. Бамисоли, уни унутишганди. Бир неча бор раҳбарларга учрашди.

— Биламиз, йиғиб қўйинг, олиб кетишади, — деб ваъда беришарди. У бўлса ўзи емай, бировга бермай йиғса-ю, ҳаммаси чириб кетса, унга алам қилмайдими? Ўзига тегишли қисмини ҳам эплаб сота олмади. Улови йўқ. Ўғли Самарқандда ўқийди. Унинг келишига тўғрилаб қўйди-ю, якшанба бозорига чиқса ҳаммаёқ мева. Бозори касод. Хуллас, чорбоғнинг ҳузурини боқимдаги новвос кўрди. Ўша йили даромад ҳам шунга яраша бўлди. Додини кимга айтишни билмайди.

Бундай ўйлаб қаралса, Норқобул ака сингари меҳнатига куядиганлар камми? Аксига олиб, улар кўпчилик. Биз ҳар гал мева сероб бўлса шунча кўп татиймиз, деган гапни айтамиз. Хўш, ана шу юртимиз саховатини ўз вақтида савдо расталарига етказиб бера оляпмизми? Менимча, унчалик эмас. Ўтган йили Тошкентга яқин бўлган Тошкент, Калинин, Оржоникидзе ва бир қатор бошқа ноҳияларнинг хўжаликлари дўконларини очишди. Тан олиш керакки, шаҳарликлар савдонинг бу усулидан баҳраманд бўла олишмади. Ҳар гал ҳам истаган маҳсулот топилмасди. Бир неча кунлик мева ва сабзавот маҳсулотлари харидорни ўзига тортмайди. Аксига олиб, савдо маданияти ҳам юқори бўлмади. Пойтахтнинг К. Маркс кўчасида машҳур цитрусчи Ф. Зайнуддинов ишлайдиган хўжаликнинг лимонарий дўкони мавжуд. Унга қачон кирмай, харидорлар фақат лимон олишаётганини кўраман. Бу ердаги турли хил мураббо қилинган мевалар-у, сабзавот маҳсулотларига унчалик эҳтиёж йўқ. Шунда ўзимга ўзим савол бераман: наҳотки, бошқа маҳсулотларни ҳам лимон сингари харидорбоп қилиш мумкин эмас? Бунинг учун нима қилиш керак?

Ўтган йили йўлим Бахмал ноҳиясидаги «Партия XXIII съезди» боғдорчилик ва узумчилик давлат хўжалигига тушганди. Рости, бу кўп тармоқли хўжалик меҳнат аҳлининг жонкуярлиги мени қойил қолдирди. Хўжаликнинг экин майдонлари 500 га яқин ижарачиларга бўлиб берилган. Ҳар ким ўзи учун ишлайди. Деҳқонларнинг турмуш шароити ҳам бошқа хўжаликларга қараганда яхши. Даромад ҳам меҳнатга яраша бўлаяпти. Аммо мени бир нарса: ана шу ўзбек элининг саховати энг аввало, шу ўлка заҳматкашларига тортиқ этилмаётгани ўйлантириб қўйди. Хўжалик раҳбарининг столи устидаги қоғозларда РСФСРнинг йирик саноат шаҳарлари номини учратиш мумкин. Аммо бирон-бир жумҳуриятимиздаги маконни топа олмайсиз. Тўғри, хўжалик ноҳия марказида савдо дўкони очган. Имоним комилки, унга ҳам ўз вақтида сархил мевалар етказиб берилмайди. Бошқа шаҳарлар билан тузилган шартнома эса ўз вақтида бажарилади. Ўша кезда раҳбарлар юк ортадиган ва узоқ ўлкаларга мева элтадиган совутгичли вагонлар белгиланган муддатларда берилмаётганидан нолишарди.

Хўжалик мутахассислари билан суҳбат чоғида дастлабки пайтда узумнинг нархи 40-60 тийин бўлса, у кейинчалик бир сўм 20 тийинга чиқишини билиб олдим. Сафардан қайтиб, Тошкентнинг машҳур «Олой» бозорига йўлим тушди-ю, узумнинг нархини суриштирдим. Килоси 2-3 сўм. Биз уни арзимаган нархда вагонларга ортаётибмиз. Бу — кимнинг саховатлиги-ю, кимнинг хотамтойлиги, билмадим. Аммо бир нарсага аминманки, энг аввало шу меваларни етиштирган заминнинг одамлари тўйиши керак. Ўзи емай, бошқаларга узатиладиган фондлар ҳақида бундай дўппини олиб, обдон ўйлаб кўрмоқ лозим.

Ҳозир ҳар хил шартномалар тузиб, ишни силлиқ битирувчилар кўп. Тўғри, жумҳуриятимиз иқтисоди ҳам кўп нарсага муҳтож. Аммо шунга қарамай, унинг ноз-неъматларини арзон гаровга сотишга бутунлай чек қўймоқ даркор. Ёки биз ҳисоб-китобни, олди-сottини билмаймизми? Давлат план қўмитасидаги ўртоқлар, унинг қанчадан-қанча иқтисод билан шуғулланадиган ташкилотлари бунга наҳотки бефарқ қараб туришар экан? Ўринли масалаларни ўртага қўйиб, халқимиз учун жон куйдирадиган вақтлар келди.

Мени Японияддаги устамонлар Ўзбекистондан тонна-тонна сара асал олиб кетаётгани ўйлантириб қўйди. Албатта, улар буни текинга олишаётгани йўқ. Уни қарангки, японлар асалнинг шифобахшлигини биздан яхши билишар экан. Ўзлари дунёда энг узоқ умр кўрадиган халқ бўлишса ҳам, янада кўпроқ яшашга интилиш кучлилигига тан бермасдан илож йўқ. Нима, ўзимизга асал керак эмасми? Бозорга чиқинг, асалнинг нархи 8-10 сўм. Ачинарлиси шуки, четга у ҳам паст нархда, бошқаларнинг фойдасига гумдон бўлаётгани аниқ.

Жумҳуриятимизнинг янги раҳбарияти ўз фаолиятини қишлоқ аҳлига етарли даражада ер бериш билан бошлагани кўп нарсага умид қилдиради. Яқинда Фарғона вилоятидан келган меҳмоннинг ҳасрати ўйлантириб қўйди. Унинг эътироф этишича, ер бериш ҳам хўжалик раҳбарларининг муруввватига боғлиқ бўлиб қолибди. Бошлиқлар кўпинча тушган аризаларни овлоқ ерлардан, тошли ва ҳеч қачон деҳқончилик қилинмаган жойлар ҳисобига қондиришаётган эмиш.

Кўп йил қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовутни йўқотамиз, деб чирандик. Аслида, бир умр амалга ошмайдиган ишга қўл урганимизни анча кеч англадик. Турғунлик йилларининг меваси сифатида икки ўртадаги ўпқонга тушиб қолинди. Жумҳуриятимизда истиқомат қиладиган ва ўртача ҳолдан паст даражада ҳаёт кечираётган 9 миллион юртдошимизнинг аксарияти ҳам қишлоқда меҳнат қилади. Ҳа, биз билан сизни боқадиган замин заҳматкашининг қорни овқатга тўймайди, қозони эса ҳафталаб қайнамайди. Ойига нари борса 50-60 сўм олади. Қиш кунлари бу ҳам йўқ. Яна бунинг устига орзу-ҳавас деганларидек, элга ош бериб, тўй қилади. Ҳаммаси қўли қадоқ деҳқон гарданида. Нимасини айтайлик, унинг чорасиз қолган пайтлари кўп бўлади. Ҳозирча амалий ёрдам берилиши ҳақида фақат гап бўлаяпти, холос. Шаҳарликнинг йўриғи бошқа. 8 соат ишлайди, вақтида дам олади. Ойлиги аниқ белгиланган. Савдо дўконларида ҳарқалай у-бу нарса топса бўлади. Деҳқон нима қилади? Қишлоқда нон учун 8-10 километр йўл босадиганлар камми? Қудуқ сувини ичадиганлар озми? Ёнидаги газ қувурларига тикилиб, умри ўтадиганлар йўқми? Аксига олиб, қишлоқлардаги савдо расталари ҳам бўм-бўш, ҳувиллаб ётибди. Не азобда топган пулига ўзи истаган буюмни тополмаса, ундан азоби йўқ. Куни савдогарга қолса-я!

Инсон орзу-ҳаваслари чексиз. Бу табиий ҳол. Зеро, ниятларга эрк беришга одатланилмоқда. Яхши яшаш йўлларини излаяпмиз. Аммо ана шу дориламон кунларга қачон етиб борамиз, буни ҳеч ким аниқ айтиб бера олмаяпти. Афсус...

И. УСМОНОВ.

Жумҳурият янгиликлари

● ЎЗБЕКИСТОН металлургия заводида сирланган идишлар ишлаб чиқаришда атроф-муҳитнинг фтор моддаси билан булғаниши камайди. Бу ерда газ тозалаш системаси реконструкция қилинди. Заводда бажарилаётган экология программасининг моддаларидан бири бўлган бу иш корхонага 450 минг сўмга тушди. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда бу маблағ жуда қисқа вақт ичида ўзини оқлайди. Чунки гап одамлар саломатлиги ҳақида бормоқда.

● ТОШКЕНТДАГИ «Орзу» чарм-галантерея ва спорт моллари ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнат аҳли ўз маблағлари ҳисобидан дам олиш уйи қурди. Кенг коттежлардан иборат шаҳарча Тошкент вилояти Бўстонлиқ ноҳиясидаги хушманзара тоғ этакларида жойлашди. Дам олиш уйида бирйўла 100 киши ҳордиқ чиқариши мумкин. Қурилиш учун маблағни бу ерда янгича иқтисодий муносабатлар туфайли ишлаб топишди. Жамоа даромади ҳисобидан яна бир объект — маиший комплекс бунёд этилмоқда. Шу йил бу ерда 320 ўринли болалар боғчаси ва 48 хонадонли уй қурилишини бошлаш мўлжалланган.

● «ОЛТИН ЙУЛ» ҳамкорликка таклиф қилади. Жомбой ноҳияси марказида Гонгконгдаги машҳур «Тексуна» фирмаси маҳсулотларининг кўргазмаси очилди. КХДР пойтахтида бу фирманинг филиали бор. Кўргазмага кундалик зарур моллар, видео ва аудиотехника қўйилган. Кўргазмани «Чонсон» кооперативи ташкил қилди. Корейс тилида бу «Олтин йўл» деган маънони билдиради. Кўргазманинг мақсади — Самарқанд вилояти корхоналари ва кооперативларини ҳамкорлик қилишга жалб этишдир. Бўлажак шериклар ўртасидаги барча операцияларни бевосита мол айирбошлаш асосида олиб бориш кўзда тутилмоқда.

(ЎзТАГ).







«Сени унутмайман, Тошкент!»

Жумҳурият Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги чет эллик талабалар билан ишлаш кенгаши ташаббуси билан пойтахтда таҳсил олган бир гуруҳ битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Даставвал Жумҳурият олий ва ўрта махсус таълим вазири Шавкат Орифжонович Алимов сўз олди. У битирувчиларни муқаддас ва бахтли кун билан табриклаб, уларнинг кейинги ишларида зафарлар тилади. Сўнгра дипломлар топширилди. Эсдалик совғалари тақдим этилди.

— Бу кунни унутолмасам керак. У қанчалар ҳаяжонли, қутлуғ, — дейди ливиялик Иброҳим Муҳаммад. — Тошкент электротехника-алоқа институтида таҳсил олган йилларим ҳаётимнинг нурли излари бўлиб қолиши шубҳасиз. Тошкентда кўплаб дўстларим қолиб кетяпти: Зофир, Аброр, Азиз. Келгусида ҳам улар билан хат ёзишиб тураман.


Карим Амран эса Жазоирдан. У Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти битирувчиси. Карим пойтахтда сабоқ олган барча хорижлик талабалар номидан гапириб, миннатдорчилик билдирди. Кейин биз ҳам у билан қисқа мулоқот қилдик.

— Она диёримдан чекка ўлкага, ҳозирда эса қадрдон бўлиб қолган Ўзбекистонга ўқишга отланганимда қанчалар ҳаяжонланган, энтиккан эдим, — дейди у, — Қалбимда бироз ҳадик ҳам бор эди. Ўз юртимда қадрдонларим, меҳрибонларим қолиб кетаётганидан вақтинча бўлсада ўкинган эдим. Мана талабалик йиллари ҳам ортда қолди. Энди биз Тошкентда олган билим ва тажрибаларимизни юртимизда синовдан ўтказамиз. Тошкентни эса ҳеч унутолмасам керак.

Муҳаммад АМИН.


СУРАТЛАРДА: чет эллик битирувчиларга диплом топшириш лаҳзалари.

Муаллиф суратга олган.





Хорижадан хабарлар



Мутахассислар, москваликлар, пойтахт меҳмонлари Красная Преснядаги кўргазма комплексида намойиш қилинган етакчи япон автомобилсоз фирмаларининг энг сўнгги ютуқлари билан танишдилар.

СУРАТДА: «Тойота» фирмаси ўз маҳсулоти сифатига тўла кафолат беради.

В. СОЗИНОВ (ТАСС) сурати.

ФИРЪАВН КЕМАСИНИНГ ТАҚДИРИ

ҚОҲИРА. (ТАСС мухбири Михаил Крутихин). Фиръавн Хеопснинг Дафина кемаси катта Миср эҳроми ёнидаги сунъий ғорда тўрт ярим минг йил турган. 1954 йилнинг 26 майида бу ерга археологлар йўл топиб киргунларига қадар яширин жойда унинг барча қисмлари яхши сақланган.

Бу ерга археологлар қадам қўйган кундан бошлаб қадимий кеманинг кутилмаган хатарларга тўла янги ҳаёти бошланди. Эҳром пойида тикланган ва ҳозир кема сақланаётган улкан ойнаванд павильон унинг учун яхши «бошпана» бўлолмади ва ҳозир Миср Араб Жумҳурияти қадимий ёдгорликлар департаменти мазкур санъат асарини нобуд бўлишдан сақлаб қолиш учун шошилинч чора-тадбирлар ишлаб чиқиш билан шуғулланмоқда.

Ҳавода намликнинг керагидан ортиқчалиги ва ёғоч қурти қайиққа хавф солмоқда. Ҳозирча қайиққа тузатиб бўлмайдиган зарар етгани йўқ, деб огоҳлантиришди қайиқни текшириб чиққан мутахассислар, уни яна ер остидаги эски ғорга яшириш ва бу жойни зарарсизлантирувчи газ аралашмаси билан тўлдириш зарур. Сайёҳлар учун ғор бўйлаб ўтадиган ойнаванд даҳлиз қуриш таклиф қилинмоқда.

«Ал Аҳром» рўзномасининг хабар қилишича, қайиқни хашаротлардан ҳамда зарарли микроорганизмлардан ҳимоя қилиш лойиҳасини бразилиялик мутахассислар ишлаб чиқишган, қайиқ атрофидаги муҳитни электрон назорат қилиш ва бактерияларга қарши кураш қурилмасини эса ҳозир Қоҳира музейи экспонатларини ҳимоя қилиш билан шуғулланаётган Япон фирмалари таклиф қилдилар. Хуллас, яқин орада Хеопс Дафина кемаси янги тўхташ жойига яна бир саёҳатга чиқишига тўғри келиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛАНДИ

ПРАГА. (ТАСС) Вацлав Гавел яширин овоз бериш натижасида яна Чехия ва Словакия федератив жумҳуриятининг президенти қилиб сайланди.

Чехословакия матбуоти давлат бошлиғини сайлаш тантанали маросими арафасида иқтисодиётда ғоят муҳим ўзгартишлар, фикрлар хилма-хиллигига асосланган демократия муассасаларини такомиллаштириш даври бошланаётганлигини таъкидлаган эди. Чехлар ва словакларнинг асосий кўпчилиги мамлакатни муваффақиятли ривожлантиришга бўлган ўз орзу-умидларини икки йил муддатга сайланган президентнинг номи билан боғламоқда.

Телетайп лентасидан

● ТОКИО. Ҳукуматнинг социалистик мамлакатлар билан муносабатларни бутун чоралар билан яхшилашга қаратилган йўлига мувофиқ, Жанубий Корея компаниялари шу йилнинг биринчи кварталидаёқ Хитой иқтисодиётига 55 миллион доллар маблағ ўтказди, дейилади Жанубий Корея ташқи ишлар вазирлигининг чоршанба куни эълон қилинган маълумотномасида.

Маълумотномада сиёсатдан ташқари соҳаларда Жанубий Корея — Хитой муносабатлари барқарор ривожланаётганлиги таъкидланиб, 1990 йилнинг дастлабки уч ойи ичида икки томонлама товар обороти 700 миллион долларни ташкил этганлиги, ҳар иккала мамлакатга 9 мингдан ортиқроқ киши борганлиги, Сеул билан Шанхай ўртасида ҳаво қатнови йўлга қўйилганлиги айтилади.

● БРЮССЕЛЬ. Европадаги 24 та ривожланган мамлакат ташқи ишлар вазирларининг Бельгия пойтахтида бўлиб ўтган урашувида улар ГДЖ, Болгария, Чехословакия ва Югославияга иқтисодий ҳамда молиявий ёрдам беришга қарор қилдилар. Ўтган йилдан бошлаб Польша ва Венгрияда амалга оширилаётган сиёсий ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш ва бозор иқтисодиётига ўтишни енгиллаштириш мақсадида уларга ҳозирдаёқ шундай ёрдам берилмоқда.

Учрашувда СССРга иқтисодий ва молиявий ёрдам бериш хусусида ҳам шундай фикрлашув бўлиб ўтди. Бу масала эса Ғарбдаги 7 та энг йирик мамлакат давлат ва ҳукумат бошлиқларининг Хьюстонда бўладиган кенгашида яна кўриб чиқилади. Вазирлар Европа ҳамжамиятлари комиссиясига улар ушбу масала юзасидан Совет Иттифоқи билан олиб боришлари лозим бўлган маслаҳатлашувлар тўғрисида хабар қилишни топширдилар.

● ДАМАШҚ. Ўтган кунлар давомида Иордан дарёсининг ғарбий соҳили ва Ғазо секторида Исроилга қарши ҳаракатлар янада кучайтирилди. Кўпгина аҳоли пунктларида амал қилаётган қамал ва комендантлик соатига қарамай, шундай бўлмоқда. Масалан, фаластинликлар Наблус, Ал-Халил, шарқий Қуддус, Анбат, Бени-Наим қишлоғи ва қочоқларнинг хон Юнус лагерида армия соқчиларига ва назорат ўтказиш пунктларига ҳужуми чоғида исроиллик ҳарбий хизматчилардан тўрт киши жароҳатлантирилди, 13 та автомашина ва 2 та чегара назорат пункти ёндириб юборилди.

Шу куни босқинчи қўшинлар маҳаллий араб аҳолисидан кўплаб кишиларни қамоққа олди.

(ТАСС).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

МУСИҚАЧИ КАНАРЕЙКА

⊙ ОДАТДА куй-қўшиқ магнитофонга ёздирилади. Лекин швейцер — ренеклик (Жанубий Африка Жумҳурияти, Трансваал вилояти) Ханс Брюдерлейн, деган одам эса ўзи ёқтирган мусиқани магнитофонга эмас, балки ўзи севиб боқаётган канарейкасига, яъни Дессига «ёздириб» олади.

Қушча ҳозир беш ёшда, шунинг учун бўлса керак, ҳар қандай оҳангни тез ўзлаштириб олади ва Ханс илтимос қилган пайтда ўша мусиқани сайраб, тўғрироғи, «чалиб» беради. Десси, айниқса, марш куйлашни ёқтиради. Масалан, кўпинча «Аида» операсидан ва Шотлан халқ қўшиғи «Жасур азамат»ни «хиргойи» қилишни ёқтиради. У ҳозир 11 та маршни билади, деб хабар беради «Стар» (ЖАЖ) рўзномаси.

БУ ЙИЛГИ САФАР ФИНЛЯНДИЯГА

⊙ ДОНЕЦКДАГИ тўқимачилик бирлашмаси ишчиси Леонид Микула ҳар йили меҳнат таътилини пиёда, солда, гоҳ велосипедда узоқ юртларга саёҳат билан ўтказади. Масалан, ўзининг икки ғилдиракли «дўсти» билан Кушкага, Калининградга, Дежнева ва Челюскин бурнига саёҳат уюштирган. Ўтган йили эса, Булғорияда бўлди. Бу йилги меҳнат таътилида эса, Финляндияга велосипедда сафар уюштирмоқчи.

ХУРРАККА ҚАРШИ МАЛҲАМ

⊙ ЯПОНИЯЛИК табиб Такэноскэ Икэмацу ва ниҳоят хурракка қарши малҳам топди. Ҳозирги кунда бу малҳам кўплаб ишлаб чиқаришга киришилди ва дорихоналарда сотилмоқда. Унинг номи «нэру-нэру» («ухла-ухла») деб аталади. Бу малҳам елимли матодан иборат бўлиб, хуррак отадиган одам ётишдан олтин оғзини елимлаб олади ва...

Елимнинг терига ҳеч қандай зарари йўқ, ҳатто эрталаб оғиз очилгандан кейин ҳам бирор бир нохуш белги сезилмайди.

Янги «дори»нинг фойдаси шундаки, у «хурракчи»ни буруndан нафас олишга мажбур этади. Бу эса, ҳинд йогларининг фикрича осойишта уйқу бахш этаркан.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

Хорижадан хабарлар

Мен жилғаман, дарё бўлиб тўлгим келади!

ЖИЛҒА №4

Жумҳурият талабаларининг хабарномаси



Матлуба Азаматова Москвадаги Максим Горький номли олий ўқув юртини шу йил тугатди. Ҳикоялари жумҳурият матбуотида эълон қилинган.

Сураткаш: Ж. БОБОРАҲМАТОВ.

Америкага борармидингиз?

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР! Москвада чоп этиладиган «Студенческий меридиан» журнали Америка томони билан келишиб, «Хат ёзиб дўст тутинганларнинг СССР — АҚШ конкурси»ни ўтказишга аҳд қилди. Конкурсдан кузатилган мақсад — икки мамлакат ёшларининг дўстлашишига кўмаклашиш. Унда ёши 17 гача бўлган юқори синф ўқувчилари, билим юртлари, олий мактаб талабалари ҳамда абитуриентлар иштирок этишлари мумкин. Ғолибларга ўн мингта ўрин ажратилган. Уларнинг номи 1991 йилда нашр этиладиган 400 саҳифалик китобдан ўрин олади.

Қандай қилиб ғолиблар сафидан жой олиш мумкин?

Бунинг учун конкурс шартларини бажарсангиз бўлгани. Америка томонининг шартига кўра хат жўнатган куни ёшингиз 17 дан ошмаган бўлиши керак.

Фурсатни бой бермай, ишга киришинг. Шартга кўра, сиз ўзингиз, турмушингиз, дўстларингиз, оилангиз, қизиқиш ва интилишларингиз ҳақида 250 сўздан иборат иншо ёзишингиз лозим.

Иншонгиз равон ўқиладиган инглиз тилида ёзилган бўлиши шарт. Иншонинг охирига бир икки жумладан иборат «Дунёдаги барча дўстларга» истакни қўшиб қўйсиз. Инглизча матнга русча таржима нусхасини ҳам илова қиласиз.

Битта ё иккита оқ-қора рангдаги 10х13 ўлчовидан катта бўлмаган яхши чиққан фотосуратингизни танлайсиз.

Ўзингизга, бизга ва дўстларингизга дунёнинг ҳамма бурчагидан келган барча мактубларга жавоб ёзаман, деб онт ичинг.

Сиз конкурс шартлари ҳақида дўстларингиз ва таниш-билишларингизга гапириб бериб, уларнинг ҳам бунда қатнашишга жалб этмоғингиз керак.

Юқорида санаб ўтилган шартларни бажаргандан кейин иншонинг инглизча ва русча нусхаларининг ҳар бир саҳифасига, ҳар бир фотосуратнинг орқа томонига исми-шарифингиз, туғилган вақтингиз (масалан, 2.3.1974) ҳамда турар жойингизнинг индексини кўрсатиб, аниқ-равшан қилиб ёзиб қўйинг.

Шундан кейин иншо матнлари ва фотосуратларни конвертга солиб, журнал редакциясига «Друзья по переписке. СССР — США» белгиси билан юборинг.

Бундан ташқари хат билан бирга 5 тийинлик тоза конвертга индексингизни кўрсатиб, турар жойингизни аниқ-равшан ёзиб юборинг. Мабодо Сизга бирон-бир савол туғилгудек бўлса, керак бўлиб қолиши мумкин.

СССР ва АҚШ бўйлаб сафарга чиқадиган бош ғолиблар юзма-юз конкурсда аниқланади. Бу конкурс қачон, қаерда ва қандай ўтишини маълум қиламиз. Конкурсга иншоларни жўнатишнинг сўнгги муддати шу йилнинг 19 октябри. Конкурс натижалари журнал саҳифаларида эълон қилинади.

ЖУРНАЛ жойлашган манзилни эслатамиз. «125015, МОСКВА, ул. Новодмитровская Д. 5а», «Студенческий меридиан». «Друзья по переписке СССР — США». Омад ёр бўлсин сизларга, зукко юртдошлар!

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ МОСКВАДА

Биз Саша иккимиз Вернадский номи билан аталган катта кўчани кўп изламадик. Метронинг «Проспект Вернадский» бекатидан чиқишимиз билан 22 қаватли бинога дуч келдик. Москвадаги ўқлаб, ана шундай ҳашаматли бинолар талабалар ихтиёрига топширилган. Бизнинг қаҳрамонимиз ана шу катта ётоқхонанинг 20-қаватида яшайди.

Гулруҳ Каримова 1985 йили Тошкент шаҳридаги Ойбек номли 115-ўрта мактабни аъло баҳоларга якунлаб, ўша йилиёқ Москва Давлат дорилфунуни фалсафа куллиётининг толибаси бўлган. Яқинда дорилфунунни битиради.

Гулруҳнинг олдига бизни, сўнгги вақтларда пойтахтда таҳсил кўраётган ўзбекистонлик талабалар орасида шов-шувга сабаб бўлган уюшма ва унинг тузилиши ҳақидаги маълумотларга бўлган қизиқиш бошлаб келди. Баъзилар бу уюшмани «Бирлик»нинг Москвадаги шаҳобчаси, деса, баъзилар ундоқмас дейди.

— Уюшмамиз ўтган йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон ваколатхонаси қошида етти кишидан иборат бўлиб тузилди, — дейди Гулруҳ масалага ойдинлик киритиб. — Унинг «Бирлик»ка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мақсадимиз пойтахтдаги жумҳуриятимиздан келган талабаларни хабар ва янгиликлар билан мунтазам алоқа ўрнатиш. Имконият борича байрамларда тўпланиб туриш. Она юртимиз рамзини ваколатхона сиймосида кўриш. Бу ерда ўзимизни худди уйдагидек ҳис этиш.

Москвада таҳсил кўраётган ҳамюртларимиз, сўнгги вақтларда қатор ижобий ишларни амалга оширишди. Баҳорда кенг нишонланган «Наврўз» байрами бунинг ёрқин далилидир. Ваколатхона ходимларининг талабаларимизга кўрсатаётган кўмаги кун сайин ошиб бормоқда. Яқинда тузилган вокал-чолғу ансамбли учун ваколатхона 3 минг сўм пул ажратди.

Москвадаги 32 олий ўқув юртларида 700 дан зиёд ўзбекистонлик талабалар таълим олмоқдалар. Ваколатхона ҳар йили талабалар учун икки минг сўм ажратар эди. Эндиликда бу кўмак беш минг сўмга етди. Бу ерда кўпболали оиладан келган ва шароити мушкул бўлган талабаларга қирқ сўм миқдорида ёрдам пули бериладиган бўлди. Нафақат Гулруҳ, балки пойтахтда таҳсил кўраётган талабаларимиз Москва Давлат педагогика институти толиби Д. Алимов, Бутуниттифоқ кинематография Давлат институти толиблари Д. Абдураҳмонов, В. Иброҳимов, М. Горький номидаги тил ва адабиёт институтининг толибаси М. Азаматовалар бу савобли ишлар бошида турибди. Қилинаётган ишларнинг барчаси яхши, аммо ҳамюртларимиз, менимча, Ўзбекистондан анча узилиб қолишган. Бунинг сабабини Гулруҳ жуда тўғри таърифлаб берди: «Ваколатхонага борсак, биз билан русча эмас, ўзбекча мулоқот қилишсин-да. Яна бир ниятимиз шуки, М. Юсуф, С. Саидов, Х. Даврон, У. Азимов сингари ёш шоирлар, Ш. Жўраев, Р. Ғойибов, Ю. Усмонова каби санъаткорларимиз Москвага вақти-вақти билан ташриф буюриб, туришса айни муддао бўлур эди. Жумҳурият билан кўпроқ ижодий алоқалар бўлса...»

Гулруҳ билан узоқ суҳбатлашиб, манзилгоҳимизга қайтар эканмиз, бизни бир нарса қийнарди, Москвада таҳсил кўраётган ўзбекистонлик талабаларнинг илтимослари — жумҳуриятимизгача етиб борармикан?

М. МАВЛОНОВ,
А. КРУГЛОВ,
М. Ломоносов номли Москва Давлат дорилфунуни талабалари.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

ГУЛИСТОН шаҳридаги А. С. Макаренко номли 8-мактаб битирувчиларининг учдан бир қисмидан кўпроғи ҳозирнинг ўзидаёқ Сирдарё педагогика институтининг талабаларига айланди. Бу — вилоятда педагог кадрлар тайёрлашга янгича ёндашув натижасидир.

Бир неча йил аввал бу ерда фақат мактаб ва институтнигина эмас, шу билан бирга бир қанча болалар боғчаларини ҳам қамраб олган тажриба бошланган эди. Тажрибадан мақсад педагоглик қобилияти бор ёшларни илгарироқ аниқлаш ва уларга тегишли маълумот беришдир. Масалан, 9-мактабда кейинги икки йил ичида битирувчилар институт педагогларининг муттасил эътибори марказида бўлдилар. Шу ернинг ўзида улар ҳар ҳафтада ўзларининг бўлажак мутахассисликлари бўйича амалий машғулотлар ўтказдилар.

Тажриба шартларида бу болалар учун битириш имтиҳонлари институтга кириш имтиҳонлари деб ҳам ҳисобланиши айтилган эди. Баҳоларни мактаб ва олий ўқув юрти ўқитувчиларидан иборат қўшма комиссия қўйди.

Улар Германияда ўқийди

Шу йилнинг ноябрь ойида ўзбекистонлик 18 нафар талаба Германия Федератив Жумҳуриятига ўқишга юборилади. Пойтахтдаги политехника, Автомобиль транспорти ва йўллар, машинасозлик, тўқимачилик ва енгил саноат, халқ хўжалиги ўқув юртлари ҳамда Тошкент ва Самарқанд Давлат дорилфунунлари талабалари хорижда таҳсил оладилар. Бу ҳақда жумҳурият олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бошқарма бошлиғи Виктор Трофимович НЕСТЕРОВ шундай ҳикоя қилади.

— Ўтган 1989 ўқув йилида чет мамлакатларга турли соҳалар бўйича 427 нафар талаба жўнатилди. Шулардан 340 нафари ишлаб чиқариш тажрибаси билан танишиш учун ГФЖ, Польша, Чехословакия, Булғория, Венгрияга, 87 нафари эса тил билиш малакасини мукаммаллаштириш учун Хитой, Ҳиндистон, Қувайт, Тунис, Сурия, Судан, Яман мамлакатларига юборилган. Таҳсил кўриш учун талабаларимизга ҳозирчалик АҚШ ва Польшага йўлланма берганмиз, холос. Бунинг ёнига ГФЖ ҳам қўшилди. Хорижда ўқиётганларнинг 60 фоизини ўзбеклар ташкил қилади. Бу кўрсаткич бизни асло қониқтирмайди. Хорижга талабаларнинг жуда оз юборилишига сабаб, фаолиятимизнинг мустақил эмаслигида, яъни СССР Халқ таълими Давлат қўмитасининг чет элга бориш учун кам ўрин бераётганида, иккинчи бир сабаб, талабаларимизнинг тил билмаслигидадир.

Ҳали ҳам тил ўрганишга бўлган эътибор суст бўлмоқда. Тошкент Чет тиллар институти қошида ташкил этилган БМТ курслари йилига 100 кишини қабул қилишдай кичик имкониятга эга. Яқинда Тошкентда ташкил этилажак чет тилларини ўрганиш бўйича иш олиб борадиган «марказ» айтилган камчиликларни бартараф этса, ажаб эмас. Ушбу «марказ» йилига 300-400га яқин талабага чет тилидан сабоқ бериш имкониятига эга бўлади.

«Марказ»га қабул қилинган тингловчилар ҳафтасига уч маротаба: кеч соат 18 дан бошлаб, тўрт соатдан бепул истаган тилларини ўрганадилар. Бу ишда малакали мутахассислар бош-қош бўладилар. Мана шу иш йўлга қўйилса, жумҳуриятимиз тараққиёти сезиларли қувват олиши эҳтимолдан холи эмас.

Ҳозирги пайтда қатор олий ўқув юртларида «ўлкашунослик» курсларини ташкил этмоқдамиз. Яъни, хорижда таҳсил кўриш учун тавсия этилган талабалар бир ой мобайнида ўзлари юборилаётган мамлакатнинг сиёсий тузуми, шарт-шароити, урф-одатлари билан яқиндан танишадилар. Лекин бошқармамиз олдида турган асосий вазифалардан бири юқорида тилга олинган тил ўрганиш бўйича жумҳурият «марказ»ини ташкил қилиш бўлиб турибди. Ўзбекистон вазирлар кенгаши бизнинг бу таклифимизни қўллаб-қувватлади. Ҳозирча бизга ўқув хоналари, асбоб-ускуналар етишмаяпти. Бироқ, бу муаммолар яқин орада ҳал этилади, деган умиддамиз.

Мусоҳабани
Р. АЛИМОВ ёзиб олди.

Ётоқхона—талабалар уйи

Учқўрғон план-иқтисод техникуми ташкил этилганига қарийб 16 йил бўлди. Бу даврда техникум ўқитувчи ва ўқувчилари кўч-кўронини орқалаб эскириб қолган, кейинчалик эса аллақайси ташкилотдан ортган эски биносида жон сақлашди.


Ҳарқалай, ҳозирги кунга келиб аҳвол яхши томонга ўзгарди. Тўрт қаватли кўркам ўқув биноси қурилиши бир йилда тугалланиб, ўқитувчи ва ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Янги бинода замонавий фан хоналари пайдо бўлди, дид билан жиҳозланди. Энг янги мукаммал ускуналар келтирилди.

Бугунги талаба — эртага оила соҳиби. Шуни инобатга олиб, «Ёш оила» дорилфунуни учун ҳам чоғроққина хона ажратилиб, зарур бўлган ҳамма нарса муҳайё этилди. Дорилфунун раҳбари, ўқитувчи Қирғизбоева ҳамкорлигида иштаҳани қитиқловчи ош дамлайди. Керак бўлса, ўзбекона тандирда бўрсилдоқ нон ёпилади...

Ётоқхона... Бу бино янги ўқув йилида янги ном билан, «талабалар уйи» деб аталди. Бино ичи ўзбекона миллий жиҳозлар билан безалди. Талаба истаса, кўрпача солиб айлана даврада ўтириши, дутор, тамбур чертиб, ғазалхонлик қилиши мумкин.

Талабалар уйини миллий жиҳозлаш учунгина 34 минг сўм маблағ ажратилди. Янги жиҳозлар сотиб олиш учун маблағ ундан ҳам зиёд. Ҳозир 743 минг сўм харажатга тикланган ўқув биносида саккизта хона замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Яна шунча хонани безатиш мўлжалланаяпти.

Ҳошимжон АЛИЕВ,
Учқўрғон план-иқтисод техникуми ўқитувчиси.




Тошкент дорилфунунига 70 ёшда... Шу йилнинг сентябрь ойида дорилфунуннинг барча факультетлари ва талабалари тўйини кенг ва қизғин нишонлашга пухта тайёргарлик кўрмоқдалар... Бунга нафақат биз, балки илм даргоҳида таҳсил кўраётган юзлаб Осиё, Лотин Америкаси ва Африка мамлакатларидан келган хорижлик дўстларимиз ҳам ўз туҳфаларини тайёрламоқдалар.

Сураткаш А. ТЕРЕХОВ.

Ёшлар ижоди



(Ҳикоя)



Поезд навбатдаги шаҳарчага судралиб кириб келаётган бир пайтда Ҳалим шўри қуриганини сезиб қолди — туфли йўқ! Чех қизларининг жонон қўлчалари билан тикилган, саккиз ойча бурун Ҳалимга насиб этган «импорт» туфли гумдон бўлибди!

У аниқ эслайди: поезд ўша шаҳарчадан ўтганда, у билан бир бўлмада келаётган йўловчиларнинг энг кексаси узун бир эснокдан сўнг: «Оғайнилар вақт кеч бўб қолди, гартак-гартак чўзилайлик» деди. Кейин... икки йўловчи иҳраб-сиҳраб иккинчи қаватга, биттаси эса Ҳалимнинг ёнидаги пастки ўриндиққа ётди. Ҳалим ҳам шошилмасдан дам олишга ҳозирланди: одмигина костюмини бош томондаги илгакка илди, туфлисини ҳафсала билан ечиб, патнис-нусха йиғма столча тагига авайлабгина қўйди. Йўқ, олдин шунақасига ҳам ялтираб турган туфлисига қўнган чанг-гардларни пуф-пуфлаб учирган бўлди. Сўнгра оёқ кийимини кўнгилдагидек жойлаштиргач, шимини ечишга ийманиб, шу кўйи ўз ўрнига чўзилди. У поезд ғилдиракларининг «тақа-тақ», «тақа-туқ» овозини тинглаб ётиб, кўзи илинганини сезмай ҳам қолибди, бир маҳал кўзини очиб қараса, вагон деразаси ғира-шира ёришган ҳадемай манзил.

У ҳожатхонага навбат бўлиб кетмасидан ювиниб келиш ниятида шошиб ўрнидан турди ва... суви қочган бодирингдек бўшашиб, ўриндиқнинг бир чеккасига ўтириб қолди. Хўрлиги келди. Шундоққина боши устида хира ёритиб турган лампочкага хаёлчан тикилди: «Балки, бирортаси адашиб кийиб кетгандир?». Лекин, бунинг шунчаки хом хаёллиги беш қўлдек аён-ку: бирламчи, бировларнинг туфлисини адашиб кийиб кетиш учун ҳеч ким атайин яланглоёқ юрмаса керак, иккиламчи, бу бўлмадаги учала йўловчи ҳам тамшаниб-тамшаниб хуррак отишмоқда (ахир, кийса шулар кияди-да). Иннайкейин, учаласи ҳам киймадик деганда қирқ биринчи туфли кийишар-ов, минг бир адашишган тақдирда ҳам, ўттиз саккизинчи қолипдаги...

...Бежиримгина, чиройликкина туфлисини яна бир бор кўз олдига келтирди-ю йиғма столча тагига шўнғиди. Шўнғишга шўнғидию, бироқ, ўша заҳотиёқ столчага боши билан «тўқ» урилиб, жонҳолатда, яна қаддини ростлади. Кучли зарб бўлди, шекилли, пиводан бўшаган шиша тақир-туқир билан пастга қулади. (Хайрият синмади).

— Жиян, нима шовқин? — деб пўнғиллади юқори қаватда ётган йўловчиларнинг бири.

Ҳалим ҳамон ачишиб турган бошини қашлаб:

— Туфлим йўқолибди, — деди ҳирқироқ овозда.

— Қанақа туфлинг?

— Ўзимникида...

Қолган икки йўловчи ҳам ғимирлаб қолишди.

— Ука, қараб юбор-чи, сарғиш туфли жойидамикан? — деб илтимос қилди бурни сўррайган қароқчи башара киши.

— Ана, ётибди...

Пастки қаватдаги ҳўппа семиз йўловчи эса ётган жойидаёқ тимирскиланиб, оёқ кийимининг бор-йўқлигини текширди-да, нариги томонига пишиллаб ағдарилиб олди.

— Бизникига ҳам қараб қўй, жиян, — деди ўша биринчи бўлиб пўнғиллаган серажин юзли, қоп-қора амаки.

Ҳалим билинар-билинмас зарда билан минғиллади:

— Ана...

Лекин қора амаки ишонқирамади чоғи, минг азоб билан сирғалганича пастга тушди. Алланмалар деб жавраниб, энгашишга ҳафсаласи келмаганидан тик турган қўйи йиғма столча тагига разм солди. Сўнг, кўнгли жойига тушиб, яна юқорига чиқишни мўлжаллаб бир хезланди-ю, бироқ эринчоқлиги тутди. Жундор кўкракларини обдон қашлай-қашлай Ҳалимнинг ёнига ўтирди:

— Уйқунинг ҳам белига тепдингда, жиян.

Ҳалим унинг шикоятини деярли эшитмади: у онда-сонда ўтиб қайтаётган ярималанғоч йўловчиларнинг оёғига паришон тикилиб ўтирарди:

«Эҳ, энди нима қиламан-а? Ҳеч курса, оёққа илиб кетадиган бошқа кийим бўлганда ҳам майли эди, энди бошқасини сотиб олиш... Чўнтакда бор-йўғи юз тангача пул бор, бу ҳали уйга етиб боргунча етса ҳам катта гап...».

— Ўртоқлар, «Пахтаобод»га яқинлашвоммиз! Турларинг ҳо-о, тушадиганлар чойшаблани топширларинг...

Ҳалим шундоққина тумшуғининг тагидан шовқин солиб ўтиб кетган вагон назоратчисининг шовқинидан чўчиб тушди. Сўнг оғир бир сўлиш олиб, ўша ўтирган жойида мулгиётган қора амакига мўлтираган кўзларини тикди:

— Тоға, оёқ кийимингизни бериб туринг, ювиниб келай.

— Ол, олавер... — деб минғиллади у кўзларини ярим очиб.

Ҳалим оёғига иккита келадиган бесўнақай ботинкани «поп»иллатиб кийди-да, гандираклаб ўрнидан турди. Сўнг қўлида сочиқни ғижимлаб, вагон йўлаги бўйлаб имиллаб одимлай бошлади.

Вагон бешикдек тебранмоқда.

Йўловчиларнинг кўпчилиги аллақачон уйғонишиб, ўз бўлмалари атрофида уймаланишаётибди. Улар ҳар бир бўлмани, ҳар бир оёқни диққат билан кузатиб чиқаётган ориққина, нимжонгина йигитчага ажабланиб тикилишади, баъзилари эса унинг оёғидаги қўпол ботинкага қараб «пиқ», «пиқ» кулишади. Бироқ, Ҳалим уларга эътибор бермайди:

«Бир кеча бошимга қўйиб ётганимда ҳам ўлмасдим. Келиб-келиб қўйган жойимни қара-я?! Уф-ф, ҳали бир йилча ҳам кийганим йўқ эди-я, августгача кийганимда...».

...Роппа-роса бир йил тўларди. Чунки, чет эл маркали бу туфли ўтган йили августнинг бошларида Ҳалимга насиб этган эди-да. Умуман, ўша саратонда Ҳалимларнинг оиласига ҳам хўп офтоб тегди: бирламчидан, Ҳалим узоқ шаҳардаги техникумга ўз кучи билан ўқишга кириб кетди, иккиламчидан, ҳарбий хизмат вақтида Қозоғистон даштларида жавлон урганини ҳисобга олмаганда, ўз райони чегарасидан чиқмаган унинг акаси Салимга ҳам бахт кулиб боқди. У, ҳамқишлоқларининг тили билан айтганда: «Чотоқ» (Чортоқ бўлса керак) деган жойда, катта бир курортда дам олиб қайтди».

Ўшанда санаторийдан бир қучоқ совға-салом билан қайтган акаси азбаройи хурсандлигидан тинмай илжаяр, уй ичидагилар билан эвини келтиролмай ҳол-аҳвол сўрашарди. Бир маҳал Салим ўқишга кирган укасини табриклай туриб, «сенга зўр совға бор» деди. Сўнг, ҳали нафасини ростлашга ҳам улгурмасдан, жомадон титкилашга тушиб кетди. Дастурхон атрофида ўтирганлар етти қават тугунга ўралган совғанинг очилишини кўзлари тўрт бўлиб кутишди. Ниҳоят, Салимнинг билинар-билинмас титраётган оппоқ, нимжон қўлчалари ҳали чарм ҳиди кетиб улгурмаган кул ранг туфлини ўртага қўйди.

— Курмағур бир магазинда талаш бўлиб ётган экан, — деди Салим кўрсатгич бармоғи билан пешона терини сидра туриб. — Нақ қирқ беш сўмдан.

— Нима?!

Кирланиб кетган салласини ёнига қўйиб, ёнбошлаб ётган қўйи ивитилган нони устига қўнаётган пашшаларни зўр бериб ҳайдаётган ота сакраб ўрнидан туриб кетаёзди.

— Бу импурт-да, ота, чет элдан чиққан, — деди Салим қўлма-қўл бўлаётган туфлига ишора қилиб.

Ота норози оҳангда, лекин юмшоққина қилиб тўнғиллади:

— Икки халта уннинг пули экан-да... Ҳалимбой, насиб бўлса, андакдан сўнг оларди-да...

— Ана буни буюм деса бўлади, — деди Салимнинг хотини туфлини ҳидлаб кўриб. — Бу асли устидентнинг кийими-да, Кенжа ҳам... изидан қизларни бир гала қилиб эргаштириб юрадиган бўлиб кетади энди.

(Давоми 4-бетда).

«ЖИЛҒА» таҳрир ҳайъати: Равшан АЛИМОВ, Қўчқор НОРҚОБИЛ, ЖАҲОНГИР, Анвар ЭМИН.

Янги шеърлар

АЙРИЛИҚ

Майсаларни эмизмайди ой,
Ариқ айтиб юпатмас алла.
Нимадандир жини қўзган сой
Харсангларга уради калла.

Сенинг йўлинг пойлашар
интиқ,
Оқ рўмолин йўқотган боғлар.
Бугун бирдан диндан
озгандек
Улоқтирар салласин тоғлар.

Феъли айниб турган бу эшик
Айтгин нени этмоқда талаб!
Сариқ кўзли дераза пурғам
Қарайверар менга ётсираб.

ШЕЪРНИНГ ТУҒИЛИШИ

Шабаданинг юзига
Эркалаб урар япроқ.
Уларнинг суҳбатига
Ҳисларим тутар қулоқ.

Анҳорнинг қучоғида
Куннинг нури совқотар.
Ҳижроннинг қийноғидан
Булбул тилин йўқотар.

Қалбга тегиб кетади
Шу он илҳом бармоғи.
Ва бошланар қаламда
Етилган шеър тўлғоғи.

КУЗ

Дарахтларнинг заррин дуррачаларин
Бурдалаб ташлайди қутурган шамол.
Қарғалар — ҳасаднинг зурриёдлари
Қувонар отаси тирилган мисол.
Дарғазаб бўроннинг қаҳридан қочиб
Булутлар фалакда тушишар терга.
Япроқлар — кузакнинг касал қушлари
Уч қадам учолмай йиқилар ерга.

Равшан АҲРОРОВ.

Мардлиги ва жасурлиги учун

Улар ҳақида баъзан яхши, баъзан ранжиброқ гапирамиз. Хизматларини гоҳида тан оламиз, гоҳида тан олмаймиз. Бироқ, улар орасида ҳар куни, ҳар соатда ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб бўлсада, элу-юрт осойишталиги учун курашаётганлар оз эмас. Тунлари мижжа қоқмай, дам олиш кунлари нелигини билмай ўз бурчларини шараф билан ўтаётганлар ҳақида ҳар доим ҳам ўйлавермаймиз.

Яқинда жумҳуриятимиз Президентининг Фармони билан ана шундай ҳалол ва довюрак ички ишлар бўлимлари ходимларидан бир гуруҳи ҳукумат мукофотлари билан тақдирланишди.

Қуролланган хавфли жиноятчиларни қўлга олишда кўрсатган мардлиги, жасурлиги ва фидойилиги учун Хоразм вилояти Дружба шаҳар ижроия қўмитаси ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция капитани Баҳром Ражабов, Хива шаҳар ижроия қўмитаси ички ишлар бўлими жамоат тартибини муҳофаза қилиш катта инспектори, милиция лейтенанти Рўзим Худойберганов, шу бўлимнинг балоғатга етмаган болалар ишлари инспекциясининг участка инспектори Ражаббой Хўжаниёзовлар «Жамоат тартибини сақлашдаги аъло хизмати учун» медаллари билан мукофотландилар.

«КАМАЛАК»

ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ЯЛАНГОЁҚ

(Ҳикоя)

(Боши 3-бетда).

Ҳалим қувончидан ял-ял ёниб, дастурхон бошидаёқ тик турганча туфлини оёғига ўлчаб кўрганди ўшанда...

У минг бир хаёл билан ювинишни ҳам унутиб яна ўз бўлмаси ёнида пайдо бўлганини сезмай ҳам қолди.

Бу борада бўлмадаги бошқа йўловчилар ҳам уйғонишган: улар яримяланғоч ҳолда пастда ялқовлик билан тизилишиб ўтиришарди.

— Ука, у ёқда навбат каттами? — сўради ўша қароқчи башара киши ҳожатхона томон боши билан ишора қилиб.

Ҳалим зўраки илжайиб сочиғига артинган бўлди.

— Йўқ, унчаликмас...

— Айтганча, туфли излаб юргандай бўлувдинг, топдингми?

Ҳалим бош чайқади.

— Оббо-о, чатоқ бўпти-да, — ҳалиги киши бошини сарак-сарак қилди. — Эҳтиёт қилиш керак эди, ука.

— Бу устидентимиз хийла бўшбаёв чиқиб қолди, десангиз, — деб гапга аралашди қора амаки. — Эсам ботинкани ҳоварга[1] ташлармиди, битта бузмакор илган-кетган-да.

— Э, — норози қўл силтади қароқчи башара киши. — Ҳозирги ёшларнинг айтгилиги йўқ, оғзидаги ошини олдиришади. Мен...

— Мен шундайлигимда, — гапни илиб кетди қора амаки. — Деновнинг бозоридан қорамол олиб келиб Самарқандга сотиб кетардим...

У ўзининг уддабурро ёшлиги ҳақида жўшиб сўзлашга тушди, қароқчи башара киши тишини-тишига қўйиб навбат кута бошлади. Хўппа семиз йўловчи эса ҳамон ўзига келолмай, ўтирган жойида мудрамоқда.

Ҳалим вагон деразасидан лип-лип ўтиб бораётган симёғочларга, бийдек дала-даштга тикилган куйи ўз хаёллари билан андармон:

«...энди уйдагиларга нима дейман? Қайси юз билан уларга кўринаман?» Унинг қулоқлари остида отасининг ўша кунги ҳукми яна бир карра жаранглагандек бўлди: «Улим, энди беш-олти йилгача «ботинка оббер» деб ғингилламайсизда».

Ҳалим чуқур тин олди.

— Энди, жиян, — амаки унинг тиззасига рапидадек қўлини қўйди. — Олсанг биздан сенга маслаҳат шу — бундан буёғига ўзингга доим маҳкам бўл, бундай латта қайтма. Хў-ўшш... поезддан тушганингдан сўнгра бирдан оёқ кийим ол, тағин ялангоёқ юрма, хўп? Ер ҳали намчил...

Шу пайт хўппа семиз йўловчи узоқ эснай туриб гапириб юборди:

— Ҳа-а-а-а... жан эсан бўса ботинка топилади.

Ҳалим қора амакининг насиҳатларини паришонлик билан бош ирғаб маъқуллади.

— Ўн беш минутдан кейин — «Пахтаобод»...

Ҳалим вагон назоратчисининг овозига лоқайдлик билан қулоқ солиб тураркан, кутилмаганда миясида умид учқунлари «милт» этди: «Ия, проводникдан ҳеч нарса сўрамабман-а?! Мумкин у хабардордир?»

Ҳалим беихтиёр ўрнидан туриб, ялангоёқ ҳолда, назоратчининг купеси томон юрди.

Купеда назоратчи икки букилиб чойшабларни санамоқда. Унинг ёнида вагонма-вагон ивирсиб юрадиган ўша қалин мўйловли милиция сержанти тамаки тутатганча гурунг беряпти.

— Ҳимм,.. — сержант купе эшиги ёнида гарангсиб турган Ҳалимга ияк қоқди.

— Ассалому алайкум,.. Акалар, туфлим йўқ, йўқолибди...

Сержант билан назоратчи маънoли кўз уриштириб олишди.

— Қанақа туфли? — сўради сержант.

Милиционернинг саволи Ҳалимга «мана, туфлинг» дегандай туюлди.

— Кулранг... чехский... — деди у ютоқиб.

Милиционер елка учирди:

— Кулранг... чехский битта эмаску, ахир?

Ҳалим севиниб кетди: туфли шу ерда бўлса керак-ов, йўқса милиционер бекорга бундай демайди (ахир у милиционер-а?!). У Ҳалимдан аниқ белги талаб қиляпти, аниқ белги! Фу, шу ҳам талаб бўлдими, керак бўлса у туфлисининг тагида нечта «тиши» борлигигача билади.

Ҳалим худди домласига имтиҳон топшираётган талабадек ҳаяжон билан қўлини кўксида чалиштириб, вагоннинг шипига тикилди:

— Менинг туфлимнинг ичида... 013 рақами бор.

— Хўш?

— Ҳа, ҳа бир пойида ўша «0» рақами умуман билинмай кетган.

Милиционер назоратчига таажжуб аралаш бир қараб олдида:

— Яна қандай белгиси бор? — деб сўради қизиқиш билан.

— Пошнасига наъал қоқилган ...учта мих билан...

— Яна?

— Яна-а, — Ҳалим зўр бериб туфлисининг белгиларини эслашга уннай бошлади. — Ҳа, топдим, топдим, чап пойининг тумшуқчасида билинар-билинмас кемтикчаси бор.

Назоратчи Ҳалимнинг топқирлигига ортиқ чидаёлмай кулиб юборди, милиционер пихиллаб унга қўшилди, Ҳалим ҳам хокисоргина илжайиб, четда қолмади.

— Ўртоқ, — деди сержант бир маҳал хиёл жиддий тортиб. — Биласанми, кеча нариги вагонда нима бўлган?

Ҳалим ерга қаради.

Милиционер оғзидан дуд чиқариб «нариги вагон» ҳикоясини бошлади.

Кеча биттасининг икки юз сўмини ўмариб кетишибди. Сержант ўша жабрланувчига: «Ока, пулингизни шу кечаёқ топиб келтириб бераман», деса кўнмабди. «Қўйинг-е, шу арзимас икки қоғозни деб овора бўлиб юрасизми, ундан кўра биз билан ўтиринг, би-ир ҳангомалашамиз», дебди. Милиционер бундай мард одамни биринчи марта кўриб туриши экан, шу сабабли унинг гапини ерда қолдиришни эп билмай, тонг отгунча у билан чақ-чақлашиб келибди.

...Сен эса, — деди милиционер жабрдийдани бош-оёқ кузатиб. — Аллақандай туфлини деб бурнингни тортганинг тортган.

Ҳалимнинг пешонасидан маржон-маржон тер силқиди. У бошига тўқмоқ тушган одамдек бир зум каловланиб тургач секин изига қайтди.

— Тўхта, ҳов оғайни...

Ҳалим «ялт» этиб орқасига қаради. Назоратчи уни кўрсатгич бармоғи билан имлади:

— Ма, мановини кийиб ол.

Назоратчи купенинг бир бурчагида ётган эски шиппакни олиб узатди:

— Ҳарна-да, ялангоёқ кетгандан кўра...

Сержант луқма қистирди:

— Мукофот, топқирлигингга.

— Раҳмат... — деб минғиллади Ҳалим.

У купедан узоқлашар-узоқлашмас милиционернинг овози қулоғига чалинди:

— Қисталоқнинг хотирасига беш кетдим-ей...

— Зўр экан...

Паровоз ўкириб навбатдаги бекатга кириб борарди.

Луқмон БЎРИЕВ.

1 — Ҳовар — очиқ жой (шева).

«ТАВРИЯ»—«ПАХТАКОР»—3:3

Симферополдаги бу учрашув гарчи дуранг билан якунланган бўлса-да, барибир якуний ҳисобдан кўнглимиз тўлмагани сир эмас. Чунки «Пахтакор»чилар бу гал ҳам мезбонлар устидан (муболағасиз айтиш мумкин) тўла устунликка эришгани билан омад уларга кулиб боқди. Сафардаги ўйинлар доимо ана шундай оғир кечади-да! Энг ачинарлиси, учрашув бош ҳакамни кўп ҳолларда ўйинчиларимизга нисбатан анча шафқатсизлик қилди. Шул боис ҳам биринчи лигада энг интизомли командалардан бири бўлган «Пахтакор» ўйинчиларига уч марта сариқ карточка кўрсатилди. Бу ўйинга ҳам салбий таъсир қилди.

Биринчи бўлимда дарвозаларга тўрт марта тўп киритилди. Дастлаб ҳисобни «пахтакор»чилар очишди. (Х. Оганесян — 17 минут). Орадан кўп ўтмай Қосимов — Шквирин комбинацияси яна гол билан тугади (24 минут). «Таврия» командаси ўйинчиси Шемил Исаев 32-минутда ҳисобни 2:1 га қисқартирди. (жарима майдончасида бизникилар уни чалиб йиқитишгани учун ҳакам 11 метрлик белгини кўрсатгач). Орадан беш-олти дақиқа ўтар-ўтмас бурчакдан тепилган тўпни яна Исаев «Пахтакор» дарвозасига йўллади. Биринчи бўлим 2:2 билан тугади.

Иккинчи бўлимда ҳамюртларимиз ташаббусни ўз қўлларига олдилар. «Таврия» командаси дарвозасига учинчи тўпни яна Оганесян киритиб, командамизни олдинга олиб чиқди. У жарима тўпини шундай маҳорат билан тепдики, рақиблар дарвозабони ҳам тўп йўналишини сезмай қолди. Лекин «Пахтакор»нинг қувончи кўпга бормади. Бу гал ҳимоячи Микляев «Таврия» командаси ўйинчиларидан бирини яна худди ўша жарима майдончасида йиқитган эди. 11 метрлик жаримадан С. Шевченко Яновский қўриқлаётган (эслатиб ўтамиз иккинчи бўлимда у Анвар Жабборов ўрнига тушди) дарвозага учинчи тўпни киритди 3:3.

Ана шу турдаги қолган ўйинларнинг натижалари қуйидагича: «Кубань» — «Динамо» Ст — 2:1, «Динамо» Сх — «Ростсельмаш» — 1:1, «Зенит» — «Факел» — 3:0, «Нефтчи» — «Локомотив» Г — 2:2, «Спартак» — «Шинник» — 2:1, «Котайк»—«Геолог» —1:1 1:1, «Кузбасс» — «Локомотив» М — 0:1, «Тирас» — «Қайрат» — 1:1.

Янги либослар








Тошкентдаги «Ўзбекистон» маиший хизмат уйи қошида «Осиё» модалар театри фаолият кўрсатмоқда. Ҳали ёш бўлишига қарамай ўз программасига эга. Уни «Хаёл» деб номлашган. Экспериментал лабораторияда янги моделлар ишлаб чиқарилади. Римма Кураева театр ва лабораторияга раҳбарлик қилади.

«ХАЁЛ»—АЁЛ УЧУН



Театрнинг асосий ва бош йўналиши Шарқ миллий кийим-бошларини қайта тиклаш, унга сайқал бериш, миллий анъаналар билан уйғунлашган янги моделларни эса Шарқ тақинчоқлари ва кашта билан янада бойитишдан иборат.

Кийим-кечакларни тикишга сарф қилинадиган матолар жумҳуриятимизда ишлаб чиқарилган.

СУРАТЛАРДА: янги моделлар намойиши.

А. ИЛЕСОВ суратлари.

ИТТИФОҚДА ЯГОНА

Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтида ҳаваскорлар театри ташкил этилди. У қисқа муддатда эътибор қозонди. У иттифоқимизда ягона. Гап шундаки, ҳаваскор актёрлар ўз репертуарларидаги барча спектаклларни француз тилида ижро этишади. Бу театрга Париждан келиб, Тошкент давлат чет тиллар педагогика институтида шартнома асосида ишлаётган филолог олима Шанталь Кантен томонидан асос солинди. Шу йил май ойида бу театр ўзининг илк пьесасини саҳнага олиб чиқди. Мазкур асар француз драматурги Жан Ануй қаламига мансуб бўлиб, «Антигона» деб номланади. Пьеса илк маротаба институтда, кейин Тошкентдаги маданий-ахборот маркази залида намойиш этилди.

Яқинда театр жамоаси Самарқанд Давлат дорилфунунининг чет тиллар куллиёти биносида ҳам ушбу саҳна асарини кўрсатишди. Пьеса томошабинларда катта таассурот қолдирди, чунки у кишини ҳаётдаги қарама-қаршиликларни енгишга, адолатсизликка, ноҳақликка қарши курашга чорлайди.

Ҳаваскор актёрлар ҳар бир ролни маромига етказиб ижро этишади. Ўқитувчи ва талабалардан Ш. Кантен, А. Каримов, Н. Толипова, Ҳ. Қурбонова, Ҳ. Ҳошимов, А. Вермуллар театрнинг етакчи қатнашчиларидир.

— Театр жамоасининг келгуси режалари катта. Шу йилнинг сентябрь ойида Франциянинг Москвадаги элчихонасида бўлиб, «Антигона», «Темир хотин» спектаклларини намойиш қилиш ниятидамиз. Бундан ташқари, йил охирида бўладиган чет эл гастролига тайёргарлик кўраяпмиз, — дейди театрнинг фаол қатнашчиси, француз тили ўқитувчиси Алла Вермул.

Ш. ШОМУРОДОВ,
ТошДУ тарих куллиёти толиби.

ТВ

8 ИЮЛЬ — ЯКШАНБА
БАЛИҚЧИЛАР КУНИ

ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув. 10.00 «Довюрак». Бадиий фильм (Одесса киностудияси). 11.35 Мунозара учун мавзу. Қабул имтиҳонлари керакми? 12.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ». Бухоро ва Фарғона командалари учрашадилар. 13.05 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Мусиқий кўрсатув. 13.50 «Кўнгил кўзи билан...» Адабий кўрсатув. 14.20 «Дўстлик» программаси. «Замандас». Қозоғистон ва Ўзбекистон оқинлари ўртасидаги айтишув.

ТИЖОРАТ КЎРСАТУВИ

15.20 «Ҳақиқат эгилди, аммо синмади». Яккабоғ пахта тозалаш заводи ҳақида.

* * *

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Тантиқой». Мультфильм. 18.10 Болалар учун концерт. 18.55 «Ижтимоий мустақиллик йўлида». Мененжерлар мактаби. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Сиҳат-саломатлик». Тиббиёт соҳасида янгича хўжалик юритиш — бугунги кун ва келажак тақозоси. 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 Ўзбекистон ССР халқ артисти Нуриддин Ҳамроқулов куйлайди. 22.00 «Ахборот». 22.20 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Сўғдиёна» қизлари». Бадиий фильм («Тожикфильм»). 23.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Мультфильм. 18.25 «Капуцин хиёбонидаги киши». Бадиий фильм. 20.00 «Қадри нон». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Чаман». Тожикистон давлат филармонияси рубобчи қизлар ансамблининг чиқиши. 22.00 «Ҳафта». Информацион программа. 22.30 Ф. Ансорий. «Ҳукми модар» Телеспектакль. 23.55 «Телетомошабин ҳамроҳи».

МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун. 7.45 Ритмик гимнастика. 8.15 «Спортлото» тиражи. 8.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув. 9.30 «Ватан хизматида». 10.30 Тонгги дам олиш программаси. 11.00 «Дунё бўйлаб». Альманах. 12.00 «Иш манфаати йўлида». Телевизион ҳужжатли фильм (Киев). 12.20 Киноафиша. 13.20 «Икки заранг дарахт». Мультфильм. 13.55 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама. 15.15 «Педагогика ҳамма учун». 16.15 «Здоровье». 17.00 «Марафон — 15».

ЯКШАНБА КИНОЗАЛИ

18.30 «Данило ва Ненила». Мультфильм. «Айдерелик дарвеш». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ашхобод). 19.00 «Ҳар кимга қилмишига яраша». Телевизион бадиий фильм (Италия). 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 П. И. Чайковский номли IX Халқаро конкурснинг якунловчи концерти. Консерваториянинг Катта залидан кўрсатилади. 23.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Финал. Италиядан олиб кўрсатилади. 02.00 «Абадият ҳақида ўйлар».

МТ II

7.30 Зарядкага сафланинг! 7.50 «Шаҳзода Флоризелнинг саргузаштлари». Уч серияли телевизион фильм, субтитр билан. 2-серия. 9.00 Футбол. Жаҳон чемпионати. 3-ўрин учун матч. Италиядан кўрсатилади. 11.15 «Шаҳзода Флоризелнинг саргузаштлари». Уч серияли телевизион фильм, субтитр билан. 3-серия. 12.15 «Кароматли қуш». Илмий-оммабоп фильм премьераси. «Онажонимни ташвишида» туркумидан. 12.45 «Шувоқ ўти». Бадиий фильм (Свердловск киностудияси). 14.00 «Совет Россияси» видеоканали. 16.30 «Планета». Халқаро программа. 17.30 «Биз яшаётган олам». Режиссёр М. Литвяков фильмлари. «Биз енгилмаймиз — биз олға борамиз». Е. Д. Стасова номли Иваново байналмилал болалар уйи тарбияланувчиларининг тақдири ҳақида («ЛСДФ»). 18.30 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Фунтик циркда». Мультфильм. 19.45 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан кўрсатилади. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.05 «Матбуот клуби».

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

ЁШ ЛЕНИНЧИ
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700083, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 04668. Д. — 23497.